

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ СОЛИҚЛИ ТУШУМЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аллаяров Камолбек Рахмонберганович

Фискал институти

ORCID: 0009-0003-3447-6568

Аннотация. Мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар бўйича солиқ салоҳиятини ҳисоблаш формулалари келтирилган, шунингдек, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, бюджет харажатлар эҳтиёжларини тенглаштириш дастурларининг асосий жиҳатларини аниқлашда мавжуд инновацион усуллар ва услубий ёндашувларни ишлаб чиқишини такомиллаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлашнинг кенг қўламли усулларини жорий этиш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калим сўзлар: солиқ-бюджет сиёсати, давлат бюджети, солиқ солиш маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, солиқ ставкаси, ўртача солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари ва солиқ имтиёзлари.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ ДОХОДОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аллаяров Камолбек Рахмонберганович

Фискальный институт

Аннотация. В данной статье представлены формулы расчета налогового потенциала отраслей экономики и регионов, а также развитие существующих инновационных методов и методических подходов при определении основных аспектов программ совершенствования налоговой политики, выравнивания потребностей бюджетных расходов и широкий спектр экономико-математического моделирования и прогнозирования с целью повышения эффективности управления государственными финансами. Представлены предложения по внедрению крупномасштабных методов.

Ключевые слова: налогово-бюджетная политика, государственный бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, позитивный анализ, налоговая нагрузка, налоговая ставка, средняя налоговая ставка, налоговая отчетность, налоговые поступления и налоговые льготы.

**IMPROVING THE METHODS OF FORECASTING TAX REVENUES OF THE
STATE BUDGET OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

Allayarov Kamolbek Rakhmonberganovich
Fiscal Institute

Annotation. This article presents the formulas for calculating the tax potential of economic sectors and regions, as well as the development of existing innovative methods and methodological approaches in determining the main aspects of programs for the improvement of tax policy, the equalization of budget expenditure needs, and a wide range of economic-mathematical modeling and forecasting in order to increase the efficiency of public finance management. Proposals for the introduction of large-scale methods are presented.

Key words: tax-budget policy, state budget, tax administration, tax potential, normative analysis, positive analysis, tax burden, tax rate, average tax rate, tax reporting, tax revenues and tax benefits.

Кириш.

Давлат бошқарув тизими ва тараққиёт даражасидан қатъий назар, давлат ўз функцияларини бажариши учун бюджет даромадларини лозим даражада шакллантириши зарур ҳисобланади. Мазкур вазифа солиқ сиёсатини тўғри юритишида ҳамда бюджет дефицитини қоплаш усулларини тўғри танлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳукуматимиз олдига иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим шарти бўлган молиявий барқарорликни таъминлашнинг замонавий усулларидан фойдаланиш вазифасини қўймоқда.

Бу вазифа, авваламбор, давлат бюджети даромадларини сифатли режалаштириш орқали амалга оширилади шу билан бирга бюджет даромадларининг солиқли тушумлари ҳам шулар жумласидандир. Давлат бюджетининг тасдиқланган кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш халқнинг норозилигига олиб келиши ва қатор фискал муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг тез суръатларда ўзгариши, жаҳон бозоридаги беқарор вазият, солиқ соҳасидаги кўплаб ислоҳотлар давлат бюджети даромадларини солиқли тушумларини прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш барча давлатлар учун долзарб масалага айланган.

Адабиётлар шарҳи.

Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш, солиқ сиёсати йўналишларини белгилаш молиявий сиёсатнинг энг марказий масалаларидан бўлганлиги сабабли, мазкур мавзу кўплаб олимлар ва мутахассислар томонидан атрофлича муҳокама ва тадқиқ қилинган.

Хусусан, давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Боресович ва Кандаурова (2001) ларнинг фикрича, давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш – илмий ҳисоб-китоблар ва тахминларга асосланган ҳолда, бюджет даромадларини келгусидаги миқдори, манбалари ва келиб тушиш муддатларини аниқлашдан иборат дейилган.

Григоров (2004) таъкидлашича, бюджет даромадларини прогнозлаштириш – бюджет даромадлари манбалари, турлари бўйича доимий таҳлилларга асосланган ҳолда келгусидаги даромад миқдорларини аниқлашдан иборат деб эътироф этилган.

Халқаро валюта жамғармаси иқтисодчиларининг кузатувларига қараганда, бюджет даромадларини прогнозлаштириш ривожланаётган мамлакатларда солиқ

маъмурчилигини яхшилашдаги асосий воситалардан бири ҳисобланади деб баҳолашган.

Шу нуқтайи назардан, Лиенерт ва Саррафларнинг (2001) қайд этишича, қоидалар ва тартибларнинг ривожланмаганлиги бюджет даромадларини юқори режалаштиришга сабаб бўлади.

Шунингдек, Стефан Даннингернинг(2005) фикрларига кўра эса, ривожланаётган мамлакатларда бюджетни режалаштиришда самарали усулларнинг йўқлиги ва аниқ қоидаларнинг белгиланмаганлиги даромадлар прогнозига салбий таъсир кўрсатади деб такидланган.

Юридик шахсларни солиқقا тортишда барча замонларда ва давлатларда «Солиқ тўлашдан қочиши» муаммоси мавжуд. Илмий адабиётларда бу муаммо атрофлича ўрганилган ва бу муаммонинг келиб чиқишига қуйидагиларни сабаб қилиб келтирилган (Беккер, 2006):

Шунингдек, мамлакатимизнинг машҳур иқтисодчиларидан Жўраев (2005) ҳам ўз тадқиқотида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг айрим масалаларини ўрганиб, сценарийли таҳлил асосида прогнозларга тўхталиб ўтган.

Худойқулов (2019) ўз тадқиқотида республикамида давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш тизимида учрайдиган муаммолар, жумладан прогнозлаштириш учун зарур маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги, прогнозлаштириш тамойиллари йўқлиги ва талабга жавоб берадиган дастурлар ишлаб чиқилмаганлигига эътибор қаратади.

солиқ тўловчиларнинг, тўлаётган маблағлари қаерга ва қанча сарфланиши тўғрисида ахборотга эга бўлмаслиги;

солиқ тўловчи юридик шахснинг ҳақиқий солиқ объектини яширишга интилиши;

солиқ маъмурчилигининг етарли даражада такомиллашмаганлиги.

Маликов (2002) ўз асарларида, давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисмини ташкил қиласиган солиқлар ва солиқка тортишнинг назарий асосларини тадқиқ қилган.

Бизнинг фикиримизча Давлат бюджети даромадларида солиқ тушумлари улушининг ортиб бориши, солиқ тўловчилар сонининг ўсиши, солиқ имтиёzlари, солиқ қарзлари ва ортиқча (олдиндан) тўловлар динамикасидаги ўзгаришларига олиб келади. Бундан ташқари давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш рақобатбардошликка таъсир қилиш омилларидан бири бўлсада, солиқ тизими корхоналарнинг рақобатбардошлигига турли хил йўллар билан жумладан, солиқ солиш инвестиция ва инновацион жараёнларга таъсир қилиш орқали корхоналарнинг рақобатбардошлигига билвосита таъсир қиласи (Маликов, Яҳёев, 2000).

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада империк ёндашув маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Давлат солиқ хизмати органларида Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогнозлаштириш методикаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги солиқ қўмитаси томонидан Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимлар бўйича тушумлар прогнозини (ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда) тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган, шунингдек давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш доирасида давлат бюджетига солиқлар ва йиғимлар бўйича тушумлар прогноз кўрсаткичларини сўзсиз таъминлашга ҳамда солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, солиқлар ва

йиғимларнинг түғри ҳисобланиши, тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлашга қаратилган.

Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг прогноз параметрларини ҳисобга олган ҳолда, Давлат бюджетига солиқлар ва йиғимлар бўйича тушумлар прогнозини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогнозлаштириш бир неча ҳисоблаш усуллари ёрдамида амалга оширилади:

- ҳажм ва қиймат кўрсаткичларининг прогноз қийматлари, тушумлар ҳажми, ставкалар даражалари ва бошқа кўрсаткичлардан фойдаланишга асосланган тўғридан – тўғри ҳисоблаш усули;

- ўртача ҳисоблаш усули – ўтган даврда олинган йиллик тушумлар ҳажмларини ўртача ҳисоблаш асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб;

- индексация усули – истеъмол нархлари индекси, инфляция, дефлятор ва даромадларнинг прогноз қилинаётган турини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоблаш;

- экстраполяция усули – ўтган давларда тушумларнинг ўзгариши тенденциялари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб;

Тушумларни (солиқ салоҳиятини) баҳолаш бўйича ҳисоб-китоб усуллари ҳисоблаш учун асос сифатида олинган базага қараб фарқланади.

Прогноз даври учун тушумлар баҳосини аниқлашда қонунчилик ҳужжатларида жорий (ўтган) йил учун тушумларнинг баҳолаш асос қилиб олинади.

Режа даври учун вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг солиқ салоҳиятини баҳолашни аниқлашда қонунчилик ҳужжатларида жорий йил учун солиқ салоҳияти асос қилиб олинади.

Тушумларни (солиқ салоҳиятини) ҳисоблаш Давлат бюджетига солиқ тушумлари турлари ёки худудлар кесимида амалга оширилади.

Прогноз қилинаётган даврда кутилаётган солиқ тушумларини ҳисоблаш учун солиқ статистикасининг йиғма маълумотлари (солиқ базаси, ҳисобланган суммалар, имтиёзлар ва преференсиялар, солиқ тушумлари, солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик ва бошқа кўрсаткичлар), Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат статистика агентлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг таҳлилий маълумотларидан фойдаланилади.

Бизнингча билвосита солиқлар бўйича қуйидаги ҳисоблаш алгоритмлари бўйича белгиланган кўрсаткичларни инобатга олиш орқали кутилаётган тушумларни баҳолаш лозим деб биламиз.

$$\text{Кўшилган қиймат солиғи бўйича} \\ \text{QQSj.y} = \sum_{i=1}^n YYsb * Ss * Kzach * K + Q - O,$$

QQSj.y – Жорий йил якунига кутилаётган солиқлар ҳажми;

$$YYsb = Sbaz * (12/M*Tqq1 + 1)$$

YYsb – Жорий йил якунига кутилаётган солиқ базаси;

Sbaz -Жорий йилнинг ўтган даврида амалдаги солиқ базаси;

M - Ҳисобот давридаги ўтган ойлар сони;

12 – Йил якунига қадар қолган ойлар сони;

Tqq1 – Жорий йилнинг қолган даври учун қутилаётган тармоқлар қўшилган қиймати ўсиш коэффициенти;

Kzach – Жорий йилнинг қолган даврида ёки прогноз даврида ККС зачетининг, бюджетга ҳисобланиши қутилаётган тушумларга таъсири %.

$$QQSp = \sum_{i=1}^n (YYsb * Tqq * Ss * Kzach * K + Q - O)(+/-)F$$

бунда,

QQSp - Прогноз қилинаётган давр учун қутилаётган ККС;

i, n – Иқтисодиёт тармоқлари

YYsb – Жорий йил якунига қутилаётган солиқ базаси;

Tqq – Прогноз қилинаётган давр учун тармоқлар қўшилган қийматининг қутилаётган ўсиш коэффициенти;

Ss – Солиқ ставкаси;

Q – Прогноз қилинаётган давр бошига солиқ бўйича қарздорлик;

O – Прогноз қилинаётган давр бошига солиқ бўйича ортиқча тўловлар ҳажми;

K – солиқ бўйича қарздорликни қоплаш бўйича ишларни ҳамда мазкур солиқ тури бўйича ўтган даврларда ҳосил бўлган ииғувчанлик кўрсаткичи динамикасини ҳисобга олган ҳолда ииғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси, %;

F – қонунчиликдаги ўзгаришларни, шунингдек бир марталик операцияларни (тушумлар, қайтаришлар ва ҳ.к.) ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатилган суммаси.

Акциз солиғи бўйича

$$\text{Excisep} = \text{Excise p}_1 + \text{Excise p}_2 + \text{Excise p}_3,$$

бу ерда

Excisep - жами прогноз қилинаётган акциз солиғи суммаси

Қатъий белгиланган (натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлоқ қийматда) ставкалар ўрнатилган товарлар бўйича акциз солиғи тушумларининг прогнози (**Excise p_{1-n}**) қуйидаги ҳисоблаш формуласи асосида ҳисобланади:

$$\text{Excise p}_1 = \sum_{i=1}^n V * S * K (+/-) F$$

бунда:

i, n – Қатъий белгиланган ставкада акциз солиғига тортладиган товарлар;

V – Акциз ости товарларнинг (хизматларнинг) физик ҳажми (сигаралар, никотинли суюқлик, спиртли маҳсулотлар, шунингдек углеводородларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар, табиий газ бундан мустасно);

S – Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ акциз солиғи ставкаси;

K – Олдинги даврларда ҳосил бўлган ушбу солиқ тури бўйича ииғувчанлик кўрсаткичи динамикасини ҳисобга олган ҳолда ииғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси, %;

F – Қонунчиликдаги ўзгаришларни, ҳақиқий тушумларни, шунингдек бир марталик операцияларни ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатилган суммаси.

$$F = V * S * Cind / 12 * X$$

C ind – Ставканинг индексация коэффициенти ва (ёки) мавсумийлик жиҳати инобатга олинган реализация ҳажми ўсиши (ёки камайиши), %;

12 - Календарь илидаги ойлар сони;

X - Ставка индексация қилинадиган ойлар сони.



Адвалор (товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда) ставкалар ўрнатилган товарлар бўйича акциз солиғи тушумлари прогнози (**Excise P2-n**) қуйидаги ҳисоблаш формуласи асосида ҳисобланади:

$$\text{Excise P2} = \sum_{i=1}^n V * S * K(+/-)F,$$

бунда:

i, n – Адвалор ставкада акциз солиғига тортиласди ган товарлар;

V – Реализация қилинган акциз ости товар (хизмат)лар, ишлаб чиқарилган товарлар қиймати ва давал хом ашёлар қиймати;

S – Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ акциз солиғи ставкаси;

K – солиқ бўйича қарздорликни қоплаш бўйича ишларни ҳамда мазкур солиқ тури бўйича ўтган даврларда ҳосил бўлган йиғувчанлик кўрсаткичи динамикасини ҳисобга олган ҳолда йиғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси, %;

F – Қонунчиликдаги ўзгаришларни, ҳақиқий тушумларни, шунингдек бир марталик операцияларни ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатилган суммаси.

$$F = V * S * Cind / 12 * X$$

C ind – Ставканинг индексация коэффициенти ва (ёки) мавсумийлик жихати инобатга олинган реализация ҳажми ўсиши (ёки камайиши), %;

12 - Календарь иилидаги ойлар сони;

X - Ставка индексация қилинадиган ойлар сони.

Комбинациялашган ставкалар (қатъий белгиланган ва адвалор солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставка) ўрнатилган товарлар бўйича акциз солиғи тушумлари прогнози (**Excise P3**) қуйидаги ҳисоблаш формуласи асосида ҳисобланади:

$$\text{Excise P3} = \sum_{i=1}^n (V * S1 + Q * S2) * K(+/-)F,$$

бунда:

i, n – Комбинациялашган ставкада акциз солиғига тортиласди ган товарлар;

V – Жорий йилда акциз ости товарлар ва хизматларнинг реализация қилинган ҳажми, минг дона;

V= V1/M*12

V1 – Жорий йилнинг ўтган даврида ҳақиқатда реализация қилинган товарлар ҳажми, минг дона;

M – Ҳисоб-китоб амалга оширилаётган даврдаги ойлар сони;

12 – Календарь иилидаги ойлар сони;

Q – Адвалор ставка бўйича акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база қиймати;

$$Q = Q1 / M * 12$$

Q1 – Жорий йилнинг ўтган даврида ҳақиқатда адвалор ставка бўйича акциз солиғини ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база қиймати;

M – Ҳисоб-китоб амалга оширилаётган даврдаги ойлар сони;

12 – Календарь иилидаги ойлар сони;

S1 – Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси;

S2 – Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ акциз солиғининг адвалор ставкаси;

Cind. – Ставканинг индексация коэффициенти, %;

K – солиқ бўйича қарздорликни қоплаш бўйича ишларни ҳамда мазкур солиқ тури бўйича ўтган даврларда ҳосил бўлган йиғувчанлик қўрсаткичи динамикасини ҳисобга олган ҳолда йиғувчанликнинг ҳисоб-китоб даражаси, %;

X - Ставка индексация қилинадиган ойлар сони;

F – Конунчилликдаги ўзгаришларни, прогноз қилинаётган йил учун кўзда туттилаётган солиқ имтиёзлари, ҳақиқий тушумларни, шунингдек бир марталик операцияларни ҳисобга олган ҳолда тушумларнинг тузатилган суммаси.

$$F=F1+F2,$$

$$F1=V*S1*Cind1/12*X$$

$$F2=Q*S2*Cind2/12*X$$

Хулоса ва таклифлар.

Мазкур мақола доирасида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетининг асосий даромад манбалари бўлган солиқлар хисобланиб, мазкур солиқларни прогноз қилиш доирасида амалга оширилган кичик тадқиқотларимиз илмий хулосалари шуни қўрсатмоқдаки, прогноз қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир солиқ тури бўйича прогноз қўрсаткичларига тез ўзгарувчан кўплаб омиллар таъсир қилиши аниқланди. Шу жиҳатдан олганда бизнинг фикримизча бюджет даромад манбалари бўлмиш солиқлар тушумларини прогноз қилиш, бугунги кунда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган дастурий маҳсуллардан самарали фойдаланиш орқали ҳисоб-китоб қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди деб биламиз ва албатта ушбу йўналишларда максимал самарадорликка эришиш учун услубий асосларни ишлаб чиқиш лозим бўлади деган фикрдамиз.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Lienert, Ian C., and Feridoun Sarraf. (2001) *Systemic Weaknesses of Budget Management in Anglophone Africa*, (IMF Working paper WP/01/211). Washington, DC, International Monetary Fund.

Stephan Danninger (2005). *Revenue Forecasts as Performance Targets* (IMF Working paper WP/05/14). Washington, DC, International Monetary Fund.

Беккер, Е.Г. (2006) Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук на тему «Микроэкономические аспекты проблемы уклонения от налогов». М.: Финансовая академия при Правительстве РФ, 39-бет.

Боресевич Г.А., Кандаурова Г.А. (2001) Прогнозирование и планирование экономики: Учеб.пособие / под общ.ред. В.И. Боресевича, Г.А. Кандауровой. – Минск: Экоперспектива, – 380 с. С.5.

Григоров В.Э. (2004) Перспективное финансовое планирование в муниципальных образованиях Российской Федерации/ В.Э. Григоров. – М.: Фонд «Институт Экономики города».

Жўраев А.С. (2005) Давлат бюджети даромадларини шакллантиришининг долзарб муаммолари мавзусида ёзилган докторлик диссертацияси автореферати.

Маликов Т.С. (2002) Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т., Академия, – 279 б.

Маликов Т.С., Яҳёев Қ.А. (2000) Солиққа тортиши назарияси ва амалиёти. – Т.: F.Гулом номидаги адабиёт ва санат нашриёти, – 230б.

Худойқулов С.К. (2019) Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини тақомиллаштириш мавзусида ёзилган докторлик диссертацияси автореферати.